



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (13.030)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ЎЗПАХТАСАНОАТЭКСПОРТ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона комплексни яратиш, пахта ва ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ҳамда рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, республиканинг пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси муассисларининг пахта толасини қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин, холдинг компанияси таркибига акциядорлик жамияти шаклидаги қуйидаги бирлашмалар кирадди:

пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш ташкил қилиш бўйича – тугатилган “Ўзпахтасаноат” уюшмаси негизида ташкил этилаётган “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиаллари, ушбу акциядорлик жамиятига “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига унинг устав фонди шакллантирилади;

пахта хом ашёсини сақлаш ва экспорт қилиш таъминлаш бўйича – “Ўзпахтаэкспорт” акциядорлик жамияти, унинг устав фонди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги ташқи савдо компанияларининг пахта терминаллари устав фондларидаги улушларини баҳолаш қиймати бўйича топшириш ҳисобига шакллантирилади;

пахта ёғи ишлаб чиқариш бўйича – “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти, унинг устав фонди пахта ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарни Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидан чиқарган ҳолда уларнинг устав фондларидаги акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига шакллантирилади.

2. Қуйидагилар “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

жаҳон ва минтақавий пахта бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича тизимли маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ва шу асосда, мазкур бозорларда таркиб топаётган тенденциялардан келиб чиқиб, пахта хом ашёси етиштиришнинг ҳажмлари, асортименти ва навлари бўйича бўзанинг районлаштирилган навларини ҳудудий жойлаштириш тизи-

мини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

республикада ишлаб чиқарилаётган пахта хом ашёсини фермер хўжаликларидан қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш, юқори сифатли, ташқи бозорларда рақобатдош пахта толасини ишлаб чиқариш, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ уни сақлаш билан боғлиқ ишларнинг бутун комплексини ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида ягона сиёсат ўтказилишини таъминлаш;

фермер хўжаликларидан қабул қилинадиган пахта хом ашёсининг микдори, сифати ва навлари, пахта толаси ва чигитнинг чиқишига оид кўрсаткичлари, компания корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган пахта толаси ва ёғ-мой маҳсулотларининг ўрнатилган стандартлар ва тузилган шартномаларга мувофиқ микдори ва сифати бўйича маълумотларни қатъий ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, тармоқ ички назорат-тафтиш ишларини ўтказиш учун минтақалардаги инспекторлар билан Назорат-тафтиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш; жаҳон бозорининг конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, пахта толасини етказиб бериш тўғрисида экспорт шартномалари тузилишини ташкил қилиш ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ харид қилинаётган пахта хом ашёси ҳамда экспортга ва ички истеъмолчиларга жўнатилаётган пахта маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш;

чигитнинг чуқур қайта ишланишини ташкил қилиш ҳамда сифатли пахта ёғи ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

ягона техника сиёсатини ўтказиш ҳамда модернизацияни амалга оширишда, замонавий илғор техника ва технологияларни жорий қилишда, инвестициялар, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тармоққа кенг жалб этишда пахта тозалаш корхоналарига, ёғ заводаларига, пахта терминалларига кўмак бериш;

пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноати кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг бошланғич устав капитални тугатилган “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг мулки, шунингдек, ташкил этилаётган иқтисослаштирилган бирлашмалар – “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзпахтаэкспорт” АЖ, “Ўзпахтаёғ” АЖ акциялари пакетларининг 100 фоизини топшириш ҳисобига шакллантирилади.

4. “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш бўйича барча ташкилий тадбирлар комплексини амалга оширишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва кўмак бериш учун иловага мувофиқ таркибда Ҳукумат комиссияси тузилсин.

Ҳукумат комиссияси (Ш.Мирзиёев):

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзпахтаэкспорт” АЖ, “Ўзпахтаёғ” АЖ бирлашмаларини ташкил этиш юзасидан барча зарур ташкилий тадбирлар комплекси бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

бир ҳафта муддатда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларига ҳамда акциядорлик жамиятини бошқаришнинг тасдиқланган намунавий тузилмасига мувофиқ холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи бирлашмаларни бошқариш тузилмалари бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тақдим этсин;

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзпахтаэкспорт” АЖ, “Ўзпахтаёғ” АЖларининг уставлари ҳамда таъсис ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ижро этувчи аппаратига юқори малакали мутахассислар синчиклаб танлаб олиниши ва тўлдирилишини таъминласин.

5. “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзпахтаэкспорт” АЖ, “Ўзпахтаёғ” АЖ эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги ҳужжатларни қўриб чиқиш учун ийғим тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 27 октябрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент аъзолари ўз ишларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-

га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув ушбу лойиҳа жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқилган бошладилар.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади иқтисодиётга тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг очиклигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ак-

циядорларнинг корхоналарининг стратегик бошқарувидаги ролини кучайтириш эканлиги таъкидланди. Қонун лойиҳалари устида ишлашда тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, акциядорлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик фаол иштирок этди. Сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи уларни дастлаб муҳокама қилдилар ҳамда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш чоғида инобатга олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини масъул қўмитага тақдим этган ҳолда ўз нуктаи назарини ишлаб чиқдилар.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макroiқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Шу йилнинг бошида қабул қилинган 2015–2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг ижроси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳаёtgа муваффақиятли татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дастур хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия истеъмоли ҳажмини камайтириш ҳамда энергия тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган ет-тита ўзаро боғлиқ стратегик дастурий ҳужжатни ўз ичига олган.

1. Етакчи саноат тармоқларини таркибий ўзгартиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, модернизация қилиш ва фаол диверсификациялаш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини янада ошириш, макroiқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш

Жорий йил 9 ойи якуни бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 8,9 фоиз, саноат маҳсулотлари 7,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 ва хизматлар ҳажми 12,9 фоиз ўсди.

Бунда мамлакат ташқи савдо айланмасининг 217,8 миллион долларлик ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,8 фоиздан 16,6 фоизгача изчил камайишига эришилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида банклар умумий капиталини 23,9 фоиз ва уларнинг активларини 27,4 фоиз ошириш бўйича ижобий ўсиш суръатлари сақланди. Бунинг самарасида мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси энг кам халқаро стандартлардан 3 баробар ошадиган меъёрга мос келади, банк тизимининг ликвидлик даражаси эса энг кам талаблардан 2 баробар ортди.

Жорий йил бошидан буён Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига кредит ажратиш ҳажмини 30,1 фоиз кўпайтириш имконини берди. Бунда, умумий кредитларнинг 79,7 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш, шунингдек, ҳудудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 28,5 триллион сўмини ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 9,9 фоиз ошди.

Инвестициявий фаолликнинг ўсиши ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 9,3 мингдан зиёд яқна тартибдаги уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қурилиш ишлари ҳажмини 18,7 фоиз ошириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА


• Самарқандда 2015 йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва энг муҳим устувор вазифалар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар

белгилаб олинди. Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам кенг муҳокама этилиб, ушбу йўналишдаги вазифаларни қисқа фурсатларда бажариш зарурлиги таъкидланди.

• Термизда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан “Оммавий маданият”га муносабат” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда ёшларни турли ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

• Самарқандда бадий гимнастика

бўйича “Қамолот” гўнчалари мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мусобақанинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган қизлар беш ёш тоифаси бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.



• “Патрисия” тўфонни Американинг Техас штатида ҳам хуруж қилди. Кучли жала натижада юз берган сув тошқинлари боис Даллас аэропортида 400 дан ортиқ авиарейслар бекор қилинди.

• Франция пойтахти Париж шаҳрида

божхоначилар яширинча олиб кетилаётган 7 тонна марихуана гиёҳвандлик моддасини ушлаб қолишга муваффақ бўлишди.

• Маркази Афғонистоннинг Файзиобод музофотида бўлган 7,5 магнитудали кучли зилзила Покистон ва Афғонистон иқтисодиётига катта зарар етказди. Сўнгги маълумотларга кўра, ер қимирлаши Афғонистонда 115, Покистонда эса 270 кишининг умрига зомин бўлган, кўплаб уйлар вайронага айланган, тоғли жойларда ер кўчиши рўй берган. Зилзила Хиндистонда ҳам кузатилган. Ҳозирда Покистон ва Афғонистоннинг зилзиладан жабрланган аҳолисига палаткалар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(2014 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари	107,3
Истеъмол товарлари	110,1
Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари	106,6
Ўзлаштирилган инвестиция ҳажми	109,9
Қурилиш ишлари	118,7
Чакана савдо айланмаси	115,0
Пулик хизматлар	110,4
Жами хизматлар	112,9

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2,4 миллиард доллари ёки 21,1 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар (ўсиш 11 фоиз), жумладан, 1,8 миллиард долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўсиш 7,4 фоиз) ташкил қилди. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 514 миллион доллардан ортиқ маблағи ўзлаштирилди.

Капитал қўйилмалар таркибида нисбатан кўп улушни ҳўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ташкил қилди (30,5 фоиз) ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,7 фоиз ўсди. Бу эса корхоналар 2015 – 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, ҳудудларнинг саноат, саноат-иқтисодий ошириш ҳудудий дастурлари ижросига фаол жалб қилинаётганидан далолат беради.

Жорий йил бошидан буён 3440 янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва замонавий инфратузилма объектларини барпо этишга қаратилган умумий қиймати 888 миллион доллардан зиёд 76 йирик инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилди. "GM-Uzbekistan" акциядорлик жамиятининг "Хоразм вилоятида "Лабо" автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Помик" сикув компрессор станциясини модернизация қилиш", "Култоқ" конини тақомиллаштириш орқали "Мотор заводи" акциядорлик жамиятининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари базасида алюмин ва пластмасса буюмлари, майишй техника учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Жиззак" махсус индустриал зонаси ҳудудида телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси учун ташкил инфратузилма объектларини қуриш", "Мароқанд – Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш (I босқич)", "Самарқанд – Қарши темир йўл линияси участкасида тез ҳаракатланадиган йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш (I босқич)" ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг турини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буён истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуна харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун тижорат банклари томонидан 3,4 триллион сўмдан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредит ажратилди. Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 20,9 фоиз кўпайди.

Жорий йил тўққиз ойида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган енгил саноат (ўсиш 17,7 фоиз, жумладан, трикотаж маҳсулотлари 14, текучилик 19,6 ва чарм маҳсулотлари 22 фоиз), озиқ-овқат саноати (16,7 фоиз) ва қурилиш материаллари саноати (15,9 фоиз) саноат маҳсулотлари қўлайишга катта ҳисса қўшди.

Технологик жараёнлар ва хомашё ҳамда материаллар сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида шу йил бошидан буён йирик корхоналарда 2,1 мингдан зиёд маънан ва ҳисмонан эскирган ускуналар алмаштилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 10,4 фоиз қамайтирилди ва саноатда меҳнат унумдорлиги 5,6 фоиз оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдиги 2343-қарори билан тасдиқланган 2015 – 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини қамайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурига мўвофиқ ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари давом эттирилди. ISO 50001:2011 "Энергетика менежменти тизими. Фойдаланиш талаблари ва қўлланмаси" янги давлат стандарти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Олий таълим тизимида "Энергетика аудити ва саноат корхоналарини энергетик тадқиқ қилиш" мутахассислиги бўйича янги йўналиш очилди.

II. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чўқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 февралдаги 2298-қарори билан тасдиқланган 2015 – 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш имконини берди. Дастур доирасида умумий қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ 602 маҳаллийлаштириш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ва талаб юқори бўлган 1225 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йил бошидан буён Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 667 лойиҳа бўйича қиймати 2,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1 миллиард доллардан ошди.

Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида 785 турдаги янги маҳсулотлар, жумладан, компрессор агрегат эҳтиёт қисмлари ва узеллари (марказдан қочирма ва поршень маҳсулотлари), мотор мойлари, гидравлика учун суюқлик, шахта вагончалари, экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар, майишй техника бутловчи қисмлари, янги турдаги музлатгич ва совутигичлар, электр печлар (мини печлар), майишй чироқлар, энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар, спорт тренажёрлари, самокатлар, болалар велосипедлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисо-

бидан жорий йилнинг тўққиз ойида "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси, "Тошкент рангли металл парчалари ва чикиндиларини қайта ишлаш заводи" акциядорлик жамияти, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ва бошқа тизимдаги корхоналарда импорт ҳажмини 299,4 миллион долларга қисқартиришга эришилди.

Ташки бозорда харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардорлигини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 830 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Жаҳон бозоридида беқарорлик ва экспорт қилинадиган асосий товарлар нархининг номувофиқ конъюнктураси сақланиб қолаётган шароитда ташки бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида 2015 йил бошидан буён автобус, оқ цемент, суюқ ва газсимон аргон, травертин ва сопол қошинлар, майишй газ, электр ва комбинацияланган шпиталар, автомобиль ўриндиқлари, автомобилларнинг штампанган деталлари, лайвандлаш ускуналари, янги турдаги консервланган маҳсулотлар ва бошқа турдаги қиймати 102 миллион доллардан зиёд 199 турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Шу билан бирга, экспортга маҳсулот етказиб бериш қўламини диверсификация қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ўтган даврда 49 янги товар бозори, жумладан, Туркияда (оқ автомобиллари, автобуслар), Бразилияда (автомобиль чироқлари), АҚШда (реней, алкоголь маҳсулотлари), Кореяда (автомобиллар учун бутловчи қисмлар, ишлов берилган чарм), Нидерландида ва Хиндистонда (молибден), Буюк Британияда (кабель-ўтказгич маҳсулотлар) ва бошқа бозорлар ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, Африка ва Жанубий Американинг илгари савдо муносабатлари ўрнатилмаган 13 давлатига (Ангола, Уганда, Бенин, Чад, Либерия, Камерун, Маврикий, Мадагаскар, Сомали, Марказий Африка Республикаси, Доминикан Республикаси) минерал ўғит, каолин, енгил автомобиллар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

"Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Маҳсулотлар экспортга қўмаклашиш бюроси томонидан йил бошидан буён ўз маҳсулотларини ташки бозорга чиқариш бўйича 1133 корхонага маслаҳат хизматлари кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти ва халқаро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

III. Ривожланган инфратузилма, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини ташкил этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш

Жорий йилнинг ўтган даврида 2015 – 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига қиритилган лойиҳалар жадал амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига қирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 1 триллион сўмдан зиёд маблағ, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 605 миллиард сўм ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий заёмлар ҳисобидан 166 миллион доллар ўзлаштирилди.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида узунлиги 194,3 километрлик темир йўл қайта тикланди, локомотивларнинг 40 секциясида капитал таъмирлаш қайта тиклаш ишлари бажарилди, 1258 юк вағони таъмирланди ва қайта тикланди, 460 юк ва 17 йўловчи ташвиш вағони тайёрланди. Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш, Ангрэн – Поп янги темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун 390 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Умуман, жорий йилнинг тўққиз ойида барча турдаги транспорт воситаларида юк ташвиш ҳажми 4,3 фоиз, жумладан, темир йўл орқали 2,6, автомобилда 4,8, хаво транспорти ёрдамида ташвишланган юк ҳажми 1,5 фоиз кўпайди.

2013 – 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён замонавий технологиялар асосида 1,5 минг километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 757 провайдер ва оператор хизмат кўрсатмоқда, 294 корхона дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги Иқтисодиёт реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мўвофиқ, шу йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича 24 акциядорлик компанияси, бирлашма ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга доир 48 лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Ягона порталга давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлиммалари уланган.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига ҳисоб топширишининг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижа-сида солиқ ва статистика хизматларини тўлиқ электрон шаклда топширишга эришилди. Бундан ташқари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактсиз электрон шакллари татбиқ этилиши самарасида жорий йил бошидан буён Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 36,3 минг тадбиркорлик субъекти интернет орқали рўйхатга олинди.

Олий ҳўжалик суди 2015 йил бошидан буён электрон шаклда тақдим этилган 46 мингдан ортиқ даъво аризаси ва илтимосномаларни қўриб чиқди, суд иши иштирокчиларининг 37 мингдан зиёд хабарномаси ва суд ҳужжатлари электрон шаклда юборилди, 2,7 мингта суд мажлиси видеофонференция режимида ўтказилди. Бу, ўз навбатида, ҳўжалик субъектларида 1,7 миллиард сўмни тежаб қолиш имконини берди.

IV. Иқтисодиётда давлат иштироки даражасини қисқартириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жа-

дал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва кафолатларини кўчайтиришни назарда тутадиган норма ва тартиб-таомилларни жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кўчайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун мазкур Дастурини амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахлдор 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этилаётган ҳужжатлар рўйхати қонун асосида тасдиқланди ва мазкур рўйхатда кўзда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Белгиланган тартибга мўвофиқ, яққа тартибдаги тадбиркорларга юридик шахсини ташкил этмасдан фаолият турига қараб, биттадан учтагача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Хусусий тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишни янада кўчайтиришга доир чора-тадбирлар доирасида Бош прокуратура томонидан давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашини, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлини қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига оид масалалар юзасидан мурожаатларни узлуксиз (туну кун) қабул қилиш тизими жорий этилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойида "2015 – 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар" мавзусида республика конференция-семинари бўлиб ўтди. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари, банкларнинг 200 дан ортиқ раҳбари, 300 дан зиёд хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни қўчайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларини амалда сўзсиз қўллашни таъминлаш борасидаги вазифалари муҳокима этилди. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари, тижорат банкларининг ҳудудий бўлиммлари раҳбар ҳамда мутахассислари иштирокидаги ана шундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес субъектларида 9,6 триллион сўм кредит, бу 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўп ва 2 триллион сўм микдорига микрокредитлар ажратилди. Халқаро молия институтларининг 134,8 миллион доллар микдоридида кредит линиялари ўзлаштирилди.

"ЎзРТХБ" акциядорлик жамиятининг махсус ахборот портали орқали электрон савдолар ёрдамида тадбиркорлик субъектларидан зарур товарларни (ишлар, хизматлар) давлат томонидан харид қилишни ташкил этишининг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Шу йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб бериш учун аккредитациядан ўтган кичик бизнес субъектлари умумий сони 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баробар кўпайди ҳамда 35,6 минг субъект ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 98,1 фоизини ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмлари соддалаштирилгани самарасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотилган маҳсулотлар ҳажми 18,4 фоиз кўпайди ва қиймати 1423,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Улар 344,7 миллиард сўмлик маҳсулот харид қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,5 фоиз ўсди.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси 523 тадбиркорлик субъектига қиймати 980 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишга қўмаклашди. Бундан ташқари, 68 тадбиркорлик субъектига 1,5 миллиард сўм микдорига молиявий ёрдам кўрсатилди ва хорижий харидорлар топиш ҳамда умумий қиймати 11,6 миллион долларлик экспорт шартномалари имзолашга ёрдам берилди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш янада кўчайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар жорий йилнинг тўққиз ойида 21,4 мингта янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 фоиз кўпайди). Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (умумий кўрсаткичнинг 35,9 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (30,2 фоиз) ҳамда қурилиш соҳасида (11,5 фоиз) нисбатан кўп кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53,6 фоизгача (2014 йилнинг шу даврида 52,9 фоиз бўлган), саноатда 34,6 фоизгача (31,1 фоиз), пулик хизматларда 49,3 фоизгача (47 фоиз) ва бандликда 77,5 фоизгача (77,1 фоиз) ошди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан давлат акцияларининг 411 пакети ва ҳўжалик жамиятлари улуши, шунингдек, 836 бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар, жумладан, 512 объект инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан "ноль" харид қиймати бўйича ошқора савдоларда сотиш чоралари тасдиқланди.

Ўтган даврда давлат акцияларининг 204 пакети савдога қўйилди, улардан хусусий мулкдорларга акцияларнинг 38 пакети сотилди. 324 бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларининг 88 таси ошқора савдоларда сотилди. Оммавий ахборот воситаларида "ноль" харид қиймати бўйича сотувга қўйилган 512 объектга доир танлов савдоларини ўтказиш шартлари эълон қилинди ва бирламчи савдолар якунига кўра, 490 объект 11,7 миллион доллар ва 559,6 миллиард сўм микдоридида инвестиция киритиш шарти билан сотилди.

Давлат мулкнинг фойдаланилмаётган объектларида ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра, хусусий тадбир-

корлик субъектларига нотурар жой фондининг 17,8 мингта фойдаланилмаётган биноси ижарага берилди.

Хусусийлаштириш жараёнларини чўқурлаштириш, давлат мулкни хусусий мулкка сотиш бўйича аввал қабул қилинган дастурлар инобатга олинган ҳолда, шу йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати 89 миллиард сўм бўлган 729 давлат активи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун 24 миллион доллардан зиёд ва 621 миллион сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан хусусий мулкдорларга сотилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга доир дастурий чоралар билан бир қаторда жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-фармонида мўвофиқ акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив менежмент услублари жорий этилди. Жумладан, 623 акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмасига мослаштириш чоралари қўрилди.

Корпоратив бошқарув ва менежмент соҳасида мутахассислар тайёрлашни янада тақомиллаштириш ва уларнинг малака даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги 2414-қарорига мўвофиқ Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Ушбу соҳага ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш зарурлиги ҳисобга олиниб, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ва Европа менежмент ва технологиялар мактаби (Германия) – ESMT ўртасида германиялик мутахассислар иштирокида ўқув-таълим дастурларини ўтказиш ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи компанияларида малака оширишни ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузилди.

V. Аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнларини чўқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар билан бирга, шу йилнинг ўтган даврида аҳоли бандлигини юксалтиришга хизмат қилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 748,7 минг янги иш ўрни яратилди. Бунда 451,6 мингта янги иш ўрни (умумий микдорнинг 60,3 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Яратилган иш ўринлари умумий сонининг 163,7 мингтаси мақсадли дастурларни амалга ошириш, 213,5 мингтаси кичик корхоналар ва микрофирмаларга тижорат банклари томонидан кредит ажратиш, 82,7 мингтаси яққа тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 176 мингтаси қасанчиликни ташкил этиш, 112,8 мингтаси фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил қилинди.

Алоҳида тармоқларда иш билан банд аҳоли сонининг қўлайиши натижасида кичик бизнес соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4609-фармонида мўвофиқ шу йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат, енгил саноат, чарм маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарда 7 мингдан зиёд қўшимча янги иш ўрни яратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини, хусусан, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш асосида янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари 370,5 минг битирувчини иш билан таъминлаш имконини берди.

"Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 7,7 минг уруш ва меҳнат fronti фаҳрийси, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий қўмакка муҳтож қарияларнинг яшаш шароитлари яхшиланди, коммунал хизматлар бўйича 2,6 миллиард сўмлик компенсация тўловлари тўланди.

Шу йилнинг тўққиз ойида 205 мингдан зиёд фаҳрий тиббий кўрикдан ўтказилди. 151 минг фаҳрий амбулаторияда, 16,7 минг нафари қундузги бўлимларида, 2 минг нафари иқтисослаштирилган республика тиббиёт муассасаларида даволанди. 9,6 мингдан зиёд уруш ва меҳнат fronti фаҳрийси, 28,3 минг нуруний, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа фуқаролар санаторийларда ўз саломатлигини тиклади.

Умуман, жорий йил бошидан буён "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўчайтириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга барча манба ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Юқори даражадаги иқтисодий фаоллик аҳоли бандлигини кенгайтириш ва фаровонлигини юксалтириш бўй

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Куйла, ёшлигим!” эстрада-вокал танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда иштирокчиларнинг санъат соҳасидаги билим ва истеъдоди синовдан ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатининг ривожлантириш, мазкур соҳага ихтисослашган таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда янги-янги истеъдод эгалларини тарбиялаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Ортимизда маънавий-маърифий, таълим-

тарбия, маданият ва санъат соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар, мунтазам ўтказилаётган ижодий фестиваллар ва кўрик-танловлар мусиқа санъати йўлида изланаётган истеъдодларни аниқлаш, миллий ва жаҳон мусиқасининг нодир намуналаридан ҳалқимизни баҳраманд этиш, ёшларимиз қалби ва онгида эзгулик, ватанпарварлик, истиқлолга садоқат ғояларини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мазкур кўрик-танловдан кўзланган мақсад навқирон авлоднинг миллий ва жаҳон мусиқасининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг санъатга бўлган меҳрини ошириш, қизиқишини янада кучайтиришдан иборат.

Танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юзга яқин йигит-қиз иштирок этди. Яқунда ўн беш истеъдод соҳиб ўзаро бахсланди.

– Президентимиз раҳнамолигида юрти-

мизда биз, ёшларнинг истеъдод ва қобилияти-мизмиз учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Дилсўз Зоҳидова. – Бундай эътибор ва ғамхўрликни ўз соҳамизда юқори натижаларга эришиш, ҳаётда муносиб ўрнимизни эгаллаш орқали оқлашга ҳаракат қилаётганимиздан мамнунмиз. Дўстона руҳда ўтган мазкур танлов ана шу мақсадларга хизмат қилади.

“Куйла, ёшлигим!” эстрада-вокал танловда Қорақалпоғистон Республикасидан Султон Оразимбетов Гран-при соҳиби бўлди. Тошкент шаҳридан Ёркинхўжа Умаров биринчи, Карина Газиев иккинчи, Ирода Дашкина учинчи ўринни кўлга киритди.

– Бу каби ижодий лойиҳалар бизни янги марралар сари илҳомлантиради, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали талабаси С.Оразимбетов. – Мазкур танловда иштирок этиш жараёнида мамлакатимизнинг истеъдодларига нақадар бойлиги, тенгдошларимнинг санъат соҳасидаги билим ва салоҳияти юқорилигига гувоҳ бўлдим. Келгусида мунтазам ишлашим, янада кўпроқ илҳомим кераклигини англадим.

Танлов ташкилотчилари томонидан ғолибларга дипломлар топширилди. Санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

“БИР ДАРЧА” – ХИЗМАТИ АНЧА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи У. Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик субъектларига кенг эркинлик бериш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат органларида мавжуд “ягона дарча” хизматларининг фаолияти тугатилиб, улар ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизига “бир дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича марказлар ташкил қилинади.

Ушбу марказлар тадбиркорларга “бир дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш билан бирга давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аризаларга ёрдам кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва мuddатлари тўғрисида бепул маслаҳат бериш билан шугулланиши белгиланган.

Кўрсатилган хизматлар сони босқичма-босқич оширилиши кўзда тутилган. Биринчи босқичда тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш, бино ва иншоотнинг таъмири кўринишини ўзгартиришни келишиш, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, қурилиш-монтаж ишлари, турар жойларни нотураж жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш сингари 16 давлат хизматини жорий этиш белгиланган.

– Тадбиркорлар мурожаатлари тез ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида “бир дарча” марказларини зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, мутахассислар тажрибасини ошириш юзасидан тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Компьютерлаштириш маркази директори Махмуд Асоев. – Хусусан, марказларни юқори тезликда ишловчи интернет тармоғига қўллаш билан бепул фойдаланиш асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идораларо электрон ҳамкорлик тизимига улаш устида иш олиб боришмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда халқаро тажрибани қўқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратиш, шунингдек, стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шунга мувофиқ, ушбу қонун лойиҳасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонунларга ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Қонун лойиҳаси мазкур соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бир хиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг тўлақонли бўлишига қаратилган.

Қонун лойиҳаси устида ишлашга тегишли вазирлик ва идораларнинг, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Барча даражадаги қизғин муҳокамалар, миллий ва хорижий тажрибани қўқур ўрганиш ва қиёсий таҳлил этиш, ҳидий баҳс-мунозаралар, сиёсий қўллар фикрлари ва тақлифларнинг эътиборга олинганлиги иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларига жавоб бериш учун қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини берди. Шу тариқа ушбу қонун лойиҳаси асосида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва ижро механизмларини бир хиллаштириш таъминланади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам муҳокамалар жараёнида партиянинг сийловлидони дастурида илгари сурилган мақсадларга, яъни иқтисодиётнинг барча

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ҚЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Махлис қизиқарли мунозара руҳида ўтиб, бу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама муҳокама қилиш имконини берди.

– “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда акциядорларнинг, биринчи навбатда акциядорнинг миноритар эгаларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимосининг кучайтирилиши назарда тутилмоқда, – деб таъкидлади Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Элдор Тўлқов. – Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятнинг ўрта мuddатли ва узоқ мuddатли даврда ривожланишининг муайян стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги норма барча акциядорлар корхонанинг молиявий сиёсати таъсир қилиш имконини беради. Ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш юзасидан қўқурлаштирилган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи мунтазам равишда эшитилиши акциядорлик жамияти фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигига имконият яратади.

Махлис иштирокчилари бугунги кунда қўқина акциялаштирилган жамиятлар, шу жумладан, чет эл капиталли иш-тироқдаги қўқина акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш жараёнини илгор корпоратив бошқарув услублари асосида ташкил қилишни таъкидлади. Бу чет эл инвестицияларини акциядорлик жамиятларига жалб қилиш рағбатлантириш, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамияти бошқарувидаги ролини ошириш имконини беради.

– Акциядорлик жамиятларидаги раҳбарлик лавозимларида юқори малакали хорижий менежерларни жалб қилиш тўғрисидаги нормалар “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг салмоқли янгиланган бири бўлди, – деб таъкидлади Бюджет ва иқтисодий ис-

лохотлар қўмитаси аъзоси Абдуғани Умиров. – Ижро этувчи орган раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қонда тариксида, хорижий менежерлар ҳам қатнашиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмоқда. Хорижий инвесторлар учун преференцияларни кенгайтириш ҳам мўлжалланган. Масалан, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилади. Шунингдек, хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятдан олинган даромадларнинг солиққа тортилиши бўйича имтиёзлар тақдим қилинмоқда.

– Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатларини қўқайтириш назарда тутилмоқда, – дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Элбек Шукуров. – “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа маҳаллий давлат органларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, даромаднинг тақсимлаш, бошқарув ходимларини ёллаш масалалари бўйича ҳақда ҳўқалик жамиятларининг бошқарув ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан норматив ҳужжатлар қабул қилиниши, акциядорлик жамиятларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, таққиллаш тўғрисидаги қўқимча киритилди. Агар акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари аъзолари уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари доирасида, зарар қўришга олиб келган тадбиркорлик тавakkалчилиги асосида қарорларни қабул қилса, уларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик чоралари қўрилади. Ушбу янгиланган акциядорлик жамиятининг иқтисодий мустакиллиги ва эркинлигининг мустаккамлашишга, улар фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралаштиш имкониятининг чеklangлишига хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар акциядорлик жамиятларининг иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий нормаларни самарали амалга ошириш имкониятини беради.

Махлис давомиди депутатлар янги тахрирдаги “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилди. У молиявий секторни янада ривожлантиришга, бозор инфратузилмаси сифатини оширишга қаратилган.

– Мамлакатимизда бозор механизмларининг шаклланиши билан биржа фаолиятини самарали ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилди, – деди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Сиддик Номозов. – “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг ҳуқуқий қўллаш амалиётини ўрганиш биржа фаолиятини тартибга солувчи нормаларни аниқлаштириш, уларнинг бир хиллиги ва қабул қилинган қонун билан бир хиллаштирилишини таъминлаш мақсадида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини кўрсатди. Тегишли қонуннинг қабул қилиниши биржа фаолиятининг самарадорлигини оширишга, бозор механизмларининг такомиллаштиришга, соҳада баҳонинг белгиланиши яхшиланишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Муҳокамалар натижалари бўйича депутатлар ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Мазкур қўқимча келиб тушган тақлифларни инобатга олган ҳолда ҳужжатни иккинчи ўқишда қўқиб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Махлисда депутатлар кун тартибиди бошқа масалаларни ҳам қўқиб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Махлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

Парламент ва қонун ижодкорлиги

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Шу кунларда Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида экспертлар, мутахассислар ҳамда манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирокида “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

тармоқларига хусусий сармоядорларни жалб этиш, реал иқтисодиёт соҳасида, энг аввало саноат ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бахсалар якунига қўқ, фракциямиз ушбу қонун лойиҳасини қўқлаб-қувватлади, чунки у акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини миллий қонунчилик-мизига киритиш имконини яратади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилинишига ёки бу субъектларга тақдирнома ва кўрсатмалар берилишига йўл қўқилмаслиги корхоналарнинг стратегик жиҳатдан бошқаришда акциядорларнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур лойиҳада бундан буён акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида четдан жалб қилинган хорижий мутахассисларга ва улар сармоя киритган акциядорлик жамиятлари учун тегишли имтиёзлар, енгилликлар яратилиши ва бу орқали хорижий мутахассисни, шу фаолиятдан олган даромадларига даромад солиғи солинмаслиги ва жамиятларга жалб қилинган чет эллик мута-

хассиснинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмаслигини кўзда тутувчи нормалар ўрин олмақда.

Муҳокамалар чоғида акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари бўйича миллий ва илгор хорижий тажриба қиёсий таҳлил этилмоқда. Хусусан, Германия, Франция, Австрия каби давлатларнинг муваффақиятли тажрибалари ўрганилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтаётган муҳокамалар жараёнида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, амалиётчи ҳуқуқшунослар, экспертлар ва соҳа мутахассислари томонидан қонун лойиҳасини тўла қўқлаб-қувватлаш билан бирга уни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳам билдирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳаси соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бир хиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Элбек ШУКУРОВ,
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Аxbоротномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Аxbоротномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Аxbоротномаси 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 9 октябрдаги баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 247 та ташкилотларда аҳолининг қўқийдаги тоифалари учун жами 2736 та иш ўринлари банд қилиб қўқилсин:

– ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўн болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўқитиштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

– таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

– мuddатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

– ногиронлар учун – меҳнат шартлоари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг ахволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид қўқатқичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

– бандликка қўқмаллаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилимайдиган иш ўринлари;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қорорига қўқа тиббий характердаги мажбурий чоралар қўқилган шахслар учун иш ўринлари;

– одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2016 йил учун банд қилиб қўқилиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

– ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунлашишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелдан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўқилиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўқилганда қасблар ва лавозимлар, мутахассислар туман бандликка қўқмаллаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига қилиш таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилиши; иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шартлоаридаги мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажариламан тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўқилиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 15-бандига мувофиқ жараима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўқиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисmini туман Бандликка қўқмаллаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўқмаллаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўқлаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка қўқмаллашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Н.Норбаев):

– ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўқиб бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг 2014 йил 30 сентябрдаги “Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга ж

Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида “Ўқувчи компетенциясини шакллантиришда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни” деб номланган янги лойиҳани амалиётда синиб кўришга бағишланган “Эрта туғруқнинг саломатликка салбий таъсири” тадбири ўтказилди.

Тадбирлар

ОРАСТА ҚИЗЛАР БАҲСИ

Жамиятимизда кечаётган ривожланиш жараёни, глобаллашувнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга кўрсатаётган таъсири мактаб муҳитида ҳам сезилмасдан қолмайди. Бу жараёнга бефарқ бўлмаслик, ёшлар ҳаёти ва онгига кириб келаётган моддий-маънавий таҳдидларни йўқотиш учун ушбу лойиҳа амалиётга таклиф қилинмоқда.

Мониторда гўдаги билан бесаранжом бўлиб турган ёш келин. Чақалоқ йиғлайди, она нима қилишга хайрон. Ёрдам сўрай деса, ён-атрофида ҳеч ким йўқ. Бу пайтда... унинг тенгқурлари коллеж, лицейга хошишар, устозлари сабогини тинглашар, танаффусда эса бир-бирлари билан келажакдаги орзулари ҳақида сўзлашади, дарсдан сўнг ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш учун турли тўғарак ва студияларга боришарди. Осмон йирок, ер қаттиқ, аммо у энди синфдошлари, дугоналари сафида кўшили олмайди. Оилавий ҳаётнинг ички-чикирларига аралашиб қолган бу киз ота-онаси, буви-бувасининг, эҳтимол ўзининг узокни кўзлаб, қарор қабул қилмаганлиги натижадада афсуснадомат чекаётганлигига шак-шубҳа йўқ. Ушбу лаҳзани “Ораста қизлар” тўғрисида ҳар томонлама фаол 5 нафардан 9-синф ўқувчиси танлаб олинган 6 та жамоаси билан бир қаторда барча қизлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, педагоглар томоша қилиб бўлишган, беллашувнинг асосий қисми бошланди.

Таништирув шартида “Дугоналар”, “Дурдона”, “Ташаб-

бускор”, “Нихол”, “Фиалка”, “Ширин” жамоаларининг кўн тартибиде муҳокама қилинаётган масалага муносабатини кўрсатувчи чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Барча шартлар ижросининг умумлашмаси сифатида Замонавий киз сиймоси саҳнада намоён бўлди. Энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлган “Дугоналар” жамоасининг ораста, батартиб, фаол, билимдон қизлари барчага намуна қилиб кўрсатилган бўлса, бошқа жамоаларга турли номинациялар берилди.

— Тадбирни ўтказишга мутлақо ноанъанавий тарзда ёндашдик. Ўқувчи қизлар ҳаётини қандай шартлар қўйилишидан ҳам беҳабар эди. Уларнинг долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзудан тўғри хулоса чиқариши бизга муҳимроқ бўлиб туялди. Ноодатий ёндашув туфайли ҳар бир жамоа аъзоларининг ҳозирга қадар эгаллаган билим даражасини бойитиб, бундан кейинги тақдирда асосидаги ҳаётини сабоқларни эгаллашга имкон яратдик. Агар ўсири қизларни анъанавий тарзда тадбирга тайёрласак, бунинг сунъийликдан фарқи қолмас ва таъсир доираси ҳам камроқ бўлар эди. Ўқувчиларнинг кейинги чоракларида янги лойиҳа бўйича ўтказилиши мўлжалланаётган тадбирларда ҳам худди шу анъанани сақлаб қоламиз, — дейди тадбир ташкилотчиси, мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шоира Багирова.

Хулқар КУЗМЕТОВА

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ САРА НАМУНАЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан фольклоршуносликка оид олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқот ишларини кенг жамоатчиликка таништириш ҳамда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги китобининг дастлабки жилдлари чоп этилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда филология фанлари докторлари, профессорлар М.Жўраев, Т.Мирзаев, Б.Тўхлиев, У.Жума-назаровлар сўзга чиқиб, номоддий билим меросимиз дурдоналари бўлган фольклор асарларини тўплаш, тарғиб этиш, бўйича амалга оширилаётган ишлар, асарлардаги илмий изохлар, лўғат, нота-илвалар ва фольклор асарларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр юритдилар.

— Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ўзбек халқи улкан фольклор меросини яратди. — дейди Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори Маматқул Жўраев. — Унинг асосий қисми оғзаки ижро шариоатларида халқ ижодкорларининг айтиб ва куйлаб бериши асосида ўзбек фольклоршунослари томонидан ёзиб

олинган. Мустақиллик йилларида бу улкан меросни асраб-авайлаш ва унинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб этиш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Институтида кўплаб ёш тадқиқотчилар қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш, унга сайқал бериш ва яна халқимизга қайтариш борасида сермахсул ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори халқимиз бадиий тафаккурининг тарихий тараққиёт қонунчилигини ўзида акс эттираётган маънавий қадриятлар силсиласини чуқур тадқиқ этиш ва оммалаштиришда алоҳида босқични бошлаб берди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида институт олимлари томонидан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Мазкур нодир жамлангани икки босқичда нашрга тайёрлаш кўзда тутилган.


Биринчи босқичи 2012-2016 йиллар, иккинчи босқичи 2016-2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, тайёрланган биринчи нашрининг 57 жилди дostonлар, ўн жилди халқ кўшиқлари ва яна 10 жилди эртақлар, афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, латифа, болалар фольклорлари ва бошқа жанрлардан иборат.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг биринчи жилдига буюк сўз устаси Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда ёзиб олинган “Алпомиш” дostonи киритилган. Иккинчи жилдидан 1927 йилда Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Осуф билан Аҳмад” дostonи ўрин олган. 1926 йилда Пўлкан шоир ва Жолғош бахши Жоссоқ ўғли ижросида ёзиб олинган “Киронхон” дostonи эса жамланганининг учинчи жилдини ташкил этади. Шеърини қисми 15328 мисрани ташкил этган бу дoston илк бор чоп этилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида иқтидорли расом Римма Гаглованинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



Кўргазмалар

ТАБИАТ ВА БОРЛИҚ ТАСВИРЛАРИ

Унда расомнинг 250 га яқин асарлари жой олган. Санъатшуносларнинг таъкидлашича, Римма Гаглова ижодида ҳайратомуз яхлитлик ҳукмронлик қилади. Унинг дастгоҳли рангтаъсирга муҳаббати балан бўлиб, ўз ижодида пейзаж ва натюрмортга кўпроқ мурожаат қилади.

Расом Осетиянинг кичик бир қишлоғида дунёга келиб, ўсиб улғайган. Тинч, осуда қишлоқ ҳаёти, ўзига хос удумлар, қишлоқнинг кундалик таъшишлари ҳамда байрамлари асарлари аксига сингдирилган. Унга таниш бўлган тоғ манзаралари, кичик овуллар бутун умри давомида расом ижодининг бош мавзусига айланган. Кейин-

чалик Чимён, Сижжақ ёки Сўқоқ манзараларини тасвирлашганида эса унинг асарлари табиат қўйнида яшовчи инсонлар ҳаётини тўлиқ акс эттиради.

Расомни сюжетли рангтаъсир ўзига жалб қилмаган, ваҳоланки унинг ишлари орасида шундайлар ҳам бор. Чўқур ҳиссиётлар ва таассуротлар ранг ва композицияларда акс этгани боис унинг асарлари томошабинларни доим ўзига жалб қилади.

Кўргазма 10 ноябрга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Спорт янгиликлари

“НАСАФ” – ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

Ўзбекистон Кубогининг “Насаф” – “Бунёдор” ўртасидаги финал учрашуви Жиззах шаҳрида замонавий талаблар асосида қурилган янги футбол стадионида ўтказилди.

Маълумки, Кубок финал ўйинлари оdatда, “Пахтакор” марказий ўйингоҳида ўтказиб келинади. Бу галги кизикarli ва муросасиз учрашув эса айнан Жиззах шаҳрида мухлислар билан тўлиқ тўлган стадионга қўйрилди. Таъкидлаш жоизки, ўйин вақтида тинмай ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамаcдан бирор-бир мухлис ўз жойини тарк этишга ошиқмади.

Албатта, шунга яраша финал баҳси ҳам ҳужумкор ва шиддатли кечди. Биринчи бўлимда кучларнинг дeяри тенг эканлиги кўриниб турди. Бирок ҳужум ташкил қилишда “Насаф” дадилроқ ҳаракатланди.

Шунга қарамай дарвозаларнинг дахлсизлиги сақланиб қолди.

Ҳалиб масаласини ҳал қилиб берган иккинчи бўлим янада мазмунли ва тезкор ҳужумлар билан бошланди. Ҳар икки томон рақиб дарвозасини ишғол қилиш учун йўл қидираётган паллада ФИФА рефериси Равшан Эрматов “Бунёдор”нинг чап қанот ҳимоячиси Акром Комиловни қўлполиги учун иккинчи марта оғоҳлантириб, майдондан четлатди. Ушбу вазиятда Акром Ўзбекистон олимпия терма жамоасидagi шериги Одил Ҳамробековни кийимидан тортиб қолган эди. Бир киши кам бўлиб қолган “Калдирғочлар” ҳимоячилишга мажбур бўлишди.

Рақиб кучсизланганлиги сабабли босимни янада оширган қаршиликларнинг кетма-кет ҳужумлари охири-оқибат гол билан якунланди. Артур Геворкянинг ҳамаси 18 метрлардан йўлланган жарима тўпини Мурод Зухров қайтаришга охиш эди. Бахтиёр Бобоев шогирдлари биринчи голдан кейин ўзига келиб улғурмасдан Шерзод Аъзамов бурчакдан оширилган тўпини иккинчи бор рақиб дарвозасига йўллади — 2:0. Ҳисобда ортда қолаётган “Бунёдор” ўйин охирида Шерзод Аъзамовнинг автоголи эвазига орадаги фарқни биттага қисқартиришга улғурди.

Шундай қилиб, якунда 2:1 ҳисобида голиб чиққан Қаршининг “Насаф” жамоаси 2015 йили Ўзбекистон Кубогини ҳамда бу натижа орқали Осиё чемпионлиги лигаси гуруҳ баҳсларига тўғридан-тўғри йўллангани қўлга киритди.

Ботир ХУҲАЕВ

МУРАББИЙЛИК КУРСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Осиё футбол конфедерацияси йўриқчиси Ислон Аҳмедов Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида футбол мураббийлари учун ўқув курсларини ўтказди.

Ушбу ўқув-семинар машғулотлари Қаршининг “Насаф” футбол клуби академияси биносиде ташкил этилди. Машғулотлар орқали мураббийлар ўзларининг билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўлиб, “А”, “В” ҳамда “С” лицензияларига эга бўлганлар ва лицензиялари муддати якунланаётган мураббийлар лицензияларини янгилаб олишди. Мазкур ўқув курсларида жами бўлиб 33 нафар мураббий иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, сентябрь ойида Тошкент шаҳридаги терма жамоаларнинг ўқув-йиғин ўтказиш базасида ОФК футбол мураббийлари учун ҳам ўқув-семинар курслари ташкил этилган эди. “В” лицензияси учун бўлиб ўтган машғулотларни айнан ўзбекистонлик ОФК йўриқчиси Ислон Аҳмедов ўтказган.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ҲОЛИБЛАР ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Юнусобод тумани истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаяушмаси кенгаши тармок тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида ўтказилган мини-футбол мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад спортни кенг ва оммавий тарзда ривожлантиришдан иборат, — дейди Юнусобод тумани истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касабаяушма кенгаши раиси Камолитдин Худайбердиев. — “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар иж-

росини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада ходимлар катта қизқиш билан иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Футболнинг оммавийлигини оширишга қаратилган мусобақада туманда фаолият юритаётган “Рауфхон” МЧЖ, “Саида-Барока”, “Бахт назир” хусусий корхоналари ва туман ободонлаштириш бошқармаси ходимларидан иборат жамоалар ўзаро беллашди. Мусобақа сўнггида Ҳолиблар аниқланиб, шаҳар босқичига йўлланма берилди. Мазкур йўлланмани туман ободонлаштириш бошқармасининг жамоаси қўлга киритди.

Ҳолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки “Тошкент почтаамти”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 28 октябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан секундиза 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи

20-22 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 28 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 13.30